

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА ГУЛАНДОМ САМИЕВНА

**АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОН
МОҲИЯТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юнусова Гуландом Самиевна

Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон

моҳиятининг фалсафий таҳлили 3

Юнусова Гуландом Самиевна

Философский анализ сущности человека в духовном

наследии Абдулкадира Гийлани 29

Yunusova Gulandom Samiyevna

Philosophical analysis of human essence in the spiritual

heritage of Abdulkadir Giloni 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА ГУЛАНДОМ САМИЕВНА

**АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОН
МОҲИЯТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Fal55 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (samdu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сафарова Нигора Олимовна фалсафа фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Шодиев Рустам Тохирович фалсафа фанлари доктори, профессор Шодмонов Қурбон Бадриддинович фалсафа фанлари доктори, профессор Уватов Убайдулла Муродович тарих фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар беруви DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел(99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел (99866) 239-13-87; факс (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____кунда тарқатилди.
(2019 йил “___” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихий тараққиётида инсон ва унинг онтологик моҳиятини ўрганиш долзарб аҳамият касб этиб келган. Бугунги информацион жамиятда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётган бир даврда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар умуминсоний, маънавий-ахлоқий ғоялар орқали кадриятлар мажмуини янада бойитишни талаб қилмоқда. Айниқса, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирларнинг маънавий мероси бугунги маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умуминсоний кадриятларни сақлаб қолиш учун гуманистик аҳамиятга эга. Диний-маърифий таълимотларнинг асл моҳиятини ташкил этувчи альтруистик мазмунга эга бўлган ғоялар эгоцентризм каби деструктив таъсир кўрсатувчи ҳолатларни юзага келтирувчи потенциал сабабларнинг олдини олишда регулятив вазифани бажаради.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида маънавий мероснинг такрорланмас хазинаси ҳисобланган мутафаккирларнинг ахлоқий, илмий-маърифий ва фалсафий қарашлари, хусусан, инсон ва унинг ижтимоий моҳиятига оид таълимотлари доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Зотан, умуминсоний маънавий меросни ўрганишнинг ўзи гносеологик аҳамиятга молик илмий маънавий концепциядир. Бу концепция жаҳон илм-фани соҳасида олиб борилаётган фалсафа тарихи йўналишидаги муҳим маънавий меросга оид фундаментал тадқиқотларнинг негизи ҳисобланади. Ҳозирги замонда назарий жиҳатдан такомиллашиб бораётган диний-фалсафий йўналишда, аждодларимиз қолдирган илмий, диний, фалсафий ва тарихий меросдан унумли фойдаланиш масаласи долзарб тадқиқот мавзусига айланмоқда. Шу маънода Гийлонийнинг маънавий меросини ўрганиш - умуминсоний кадриятлар асосида ривожланган инсон моҳиятининг замонавий фалсафий моҳиятини тадқиқ этишда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган илмий, маънавий, маданий соҳалардаги ислоҳотлар натижасида жаҳонга машҳур алломаларимиз, мутафаккирларимиз илмий-маънавий меросини, уларнинг диний-ирфоний таълимотларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. “Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш зарур”.¹ Бу вазифаларни бажаришда тасаввуф таълимотини айниқса, қодирия таълимотининг асосчиси Абдулқодир Гийлонийнинг антропологик, гносеологик, аксиологик қарашларидаги комил инсонни тарбиялашда позитив таъсир кўрсатувчи ирфоний-фалсафий ғояларини ёшлар онгига сингиришда муҳим илмий ва ижтимоий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Мирзиёев Ш.М. “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори //Халк сўзи. 2018 йил, 15-май.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 18 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Шарҳ мутасаввифлари маънавий меросида инсон моҳиятини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (Германия), Centre International investergate of Oxford University, School of Culture, religions and policity in Asia (Буюк Британия), University of Wester Ontario (Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relation (Швеция), Hofstra university (АҚШ, Нью Йорк), Al-Asqar university (Қоҳира), Saint Petersburg State University (Россия), Mugla Sitki Kochman universitesi (Туркия), шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили ва тасаввуф таълимотининг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тасаввуф тарихида Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий мероси, хусусан, Абдулқодир Гийлоний ижодида комиллик мезонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни илмий асосланган (Hofstra university, Нью Йорк); Абдулқодир Гийлоний асослаган (XII аср) қодирия тасаввуфий таълимотининг ундан кейин шаклланган нақшбандия (XIV аср) таълимотидаги комил инсон ғояларига ворисий таъсири илмий-назарий асосланган (School of Culture, religions and policity in Asia, Буюк Британия); Абдулқодир Гийлоний меросида

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de;> <https://www.en.uni-muenchen.de;> <https://www.univ-lille.fr;> <https://www.lse.edu;> <https://www.umich.edu;> <https://www.doshisha.ac.jp;> <https://www.utoronto.edu;> <https://www.cbu.ca;> <https://www.unn.ru;> [http://library.fes.de/;](http://library.fes.de/) <https://www.ritsumeit.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

тасаввуфий таълимотлар тарихи ва қиёсий-типологик фарқлиши исботланган ва теологик моҳияти очиб берилган (Al-Asqar university, Қоҳира); туркийзабон халқларида Марказий Осиё мутафаккирлари, хусусан нақшбандия таълимоти намоёндаларининг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва қодирия таълимоти ғояларининг инсон камолотига маънавий-руҳий соғломлаштирувчи таъсири асосланган (Санк-Петербург университети, Россия); Абдулқодир Гийлонийнинг илмий-маънавий мероси манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган (Россия ФА шарқ қўлёзмалари институти, Россия).

Дунёда Абдулқодир Гийлонийнинг маънавий меросида инсон моҳиятини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон маънавий-ахлоқий инқирозининг олдини олишга оид; эгоцентризмнинг потенциал сабабларини бартараф этишга оид; инсонлар орасида меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришга оид илмий концепциялар яратиш; миллий-маънавий мерос заҳираларини бойитиш; инсон маънавий тараққиёти тарихида алоҳида шахсларнинг тутган ўрнини тадқиқ этиш; тасаввуф таълимоти тарихини янада бойитишда Марказий Осиё тасаввуфшунос мутафаккирлари илмий маънавий меросининг фундаментал аҳамиятини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абдулқодир Гийлоний ирфоний-фалсафий қарашлари қатор қўлёзма асарларида баён этилган. Мутафаккир ижоди, таълимоти қатор мутахассис, соҳа олимлари томонидан маълум бир жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, тасаввуфда инсон камолоти масалаларини ёритишда қуйидаги фундаментал тадқиқотлар, яъни шарқшунос олимлар В.Бартольд¹, Е.Э.Бертельс, Роузенталь Франц, Дж.Тримингем монографиялари муҳим методологик асос бўлди.

Хорижий мутахассис олимлар томонидан умуман тасаввуф таълимотлари, тариқатлар тарихи уларнинг ривожланиш географияси ва моҳияти хусусида қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Хусусан, Мажид Фахри², Муҳаммад Доро Шукуҳ, А.Д.Кныш, Усмон Турар, Эрнст Карл, Г.Э.фон Грюнебаум каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар тасаввуф таълимотининг ирфоний, диний-фалсафий моҳиятига қаратилган бўлиб, маълум даражада мавзу доирасидаги қодирия таълимотининг генезиси каби муаммоларни очиб беришда муҳимдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида С.Н.Григорян³, И.П.Петрушевский, А.И.Нарынбаев, П.С.Таранов каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар Гийлоний илмий меросининг тасаввуф таълимотида тутган ўрнини очиб беришда тарихий аҳамият касб этади.

¹Бартольд В. Мистицизм в исламе, Соч. Т.6. Ислам: - П.6 1918. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

² Fakhry M. A history of islamic philosophy. N.Y. – L. Colambia univ press, 1970. XV. – 427 p. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

³ Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. Москва: Наука, 1966. – 352 с.

Юртимиз олимлари И.Мўминов¹, М.Болтаев, М.Баратов, М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, Б.Тураев, Қ.Назаров С.Каримовларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Фалсафа фани доирасида махсус диссертация тадқиқотларида: Р.Шодиев Марказий Осиё тасаввуф мактабларининг генезисини; Гийлоний таълимотининг нақшбандия таълимоти билан алоқадорлигини очиб беришда Г.Наврўзованинг нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳиятини ва комил инсон ғояси; А.Хусейнованинг нақшбандия тариқати намоёнчаси Абдурахмон Жомийнинг ирфони, тасаввуфий қарашлари каби тадқиқотлари, шунингдек, Н.Сафарованинг Марказий Осиёдаги илк тариқат хожагон тасаввуфий таълимотининг диний-фалсафий, ирфоний моҳиятини ҳамда “Етти пирлар” тазкира ва мақомотларидаги маънавий-ахлоқий қадриятларнинг альтруистик моҳиятига қаратилган изланиши мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Марказий Осиё тасаввуф таълимоти ва намоёндалари меросини ўрганишда О.Шарипова мутасаввиф Абдулхолик Гиждувонийнинг диний-фалсафий қарашларини; С.Т.Исмоилов нақшбандия тариқатининг тасаввуф таълимотидаги ўрнини; Х.Рахматова Хожа Аҳроп Вали таълимотининг ижтимоий-фалсафий ғояларини, Э.Зоиров Махдуми Аъзам ижтимоий-сиёсий қарашларини махсус диссертация ишларида илмий-назарий жиҳатдан қиёсий тадқиқ этишган.

Адабиётшунослик фанлари доирасида Н.Комилов², И.Ҳаққул, Д.Салохий, С.Сайфуллоҳ, О.Жўрабоевларнинг изланишлари мавзу доирасидаги тариқатлар орасидаги ўзаро ғоявий боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишда методологик аҳамиятга эга бўлди.

Мавзу доирасидаги муаммоларни тадқиқ этишда тарихшунос олимлар Э.Каримов, Ҳ.Тўраевлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам диссертация мавзуси доирасидаги тасаввуф таълимотлари генезиси ва ижтимоий-иқтисодий давр тараққиётига таъсирини далиллашда муайян даражада хизмат қилди.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар классификацияси шуни кўрсатадики: биринчидан, тадқиқотларда умуман тасаввуф, алоҳида тариқатларнинг ирфоний, фалсафий, аксиологик жиҳатлари тадқиқ этилган;

иккинчидан, Абдулқодир Гийлоний асарларида инсон муаммоси борасида яхлит комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаган.

Демак, диссертация мавзуси доирасидаги муаммо илк бор тадқиқ этилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2018 йилларга мўлжалланган

¹ Мўминов И.Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., 1968й. Мирзо Бедил.

² Комилов Н. Тасаввуф 1-китоб, - Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1996; Комилов Н.Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Тошкент, Ғафур Ғулом, 1999. – Б.151-189. Қайд этилаётган муаллифлар асарларининг номи ва чоп этилганлигига оид маълумотлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилган.

ЁА-1-9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” грант лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулқодир Гийлоний асарларида инсон муаммосининг ҳар томонлама таҳлили, фалсафа тарихидаги аҳамиятини ва бошқа тасаввуфий таълимотлар билан ўхшаш ҳамда фарқли томонларини қиёсий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абдулқодир Гийлоний ҳаёти ва унинг маънавий мероси, қодирия таълимотини тадқиқ этиш;

Қодирия таълимотининг Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари билан алоқадорлиги ва ўзига хослигини қиёслаш асосида ёритиш;

Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятини фалсафий (“Сиррул асрор”, “Футуҳ ал ғайб”, “Девоне Ғавсул Аъзам”, “Раббонийликни англаш”) таҳлил этиш;

Абдулқодир Гийлоний таълимотида ўзликни англаш масаласини ёритиш орқали комиллик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятини фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс, тизимли ва функционал ёндашув, диалектик ва синергетик таҳлил каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абдулқодир Гийлоний маънавий меросининг XI–XII асрлар диний-фалсафий фикрлар ривожига етакчилик ўрни Қодирия таълимоти илмий манбалари асосида аниқлаштирилган;

Абдулқодир Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асаридаги инсон фалсафасининг генезиси хусусидаги илмий мероси “комил инсон” тушунчасининг дастлабки илмий лойихавий асоси эканлиги ишончли аргументлар асосида исботланган;

Абдулқодир Гийлоний “Сиррул асрор” асаридаги “хос инсон”, “асл инсон”, “ҳақиқий инсон” каби категориал тушунчаларининг илмни эгаллаш ва унга амал қилиш, касб-хунар эгаллаш тушунчалари билан диалектик боғлиқлиги мантиқий аргументлаш воситасида асослаб берилган;

Абдулқодир Гийлонийнинг “Футуҳ ал ғайб” асарида илгари сурилган “фаросат илми” концепцияси комил инсонни тарбиялашда муҳим омил эканлиги атрибутив категориялар (зоҳирий ва ботиний илмлар зарурияти) воситасида асосланган;

диний ақидапарастлик, экстремизм ғояларига қарши курашиш зарурияти Абдулқодир Гийлонийнинг “Раббонийликни англаш” ва “Девони Муҳйи” (Девони Ғавсул Аъзам) асарларида илмли бўлишга ундовчи инсон комиллиги мезонлари (нафс тарбияси, ахлоқий поклик ва илоҳий ишқ) асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интеллектуал салоҳияти юксак бўлган, маънавий баркамол шахс тарбияси борасида фойдаланишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий ҳаётида Гийлоний маънавий мероси таҳлили асосида огоҳлик мақоми инсонпарварлик мезонлари ва принциплари асосида амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

комил инсон тарбиясида ахлоқ, илм, тафаккурнинг ўзликни англаш борасидаги мезонлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у тўғрисидаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, миллий-маънавий қадриятлар тикланаётган ва кадр топаётган бугунги шароитда Ўзбекистон ва қолаверса бутун дунё миқёсида тасаввуфнинг муроса, бағрикенглик, сабрлилик, шукроналик фазилатларининг комил инсон тарбиясидаги назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда, фалсафий, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлиliga оид қарашларидан “Маънавият ва маърифат” марказлари амалиётида, “Ёшлар иттифоқи” Кенгаши томонидан аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда, ижтимоий соҳада фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар ва маҳаллалар ўз амалий фаолиятларида, шунингдек, фалсафа, этика-эстетика, маданиятшунослик каби фанларни ўқитишда мутафаккирнинг фалсафий қарашларига оид ғояларини ўрганиш ва таълим муассасалари учун ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлиlinи тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Абдулқодир Гийлоний маънавий меросининг XI–XII асрлар диний-фалсафий фикрлар ривожигаги етакчилик ўрнининг хронологик таснифи ишлаб чиқилган ва қодирия таълимоти тарихининг тадқиқига оид хулоса ва тавсияларидан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “IX–XII асрлар адабий ёзма ёдгорликлари ва илмий адабиётшунослик асарлари” ва “XIII–XIV аср биринчи ярми адабиёти” номли экспозиция тақдимида ҳамда музейнинг электрон каталогини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 18 ноябрдаги 5/1255-3051-сон маълумотномаси). Натижада музей ашёлари-экспонатлар орқали ёш

авлодга миллий-маънавий кадриятларни етказиб беришда муҳим материаллардан бири бўлиб хизмат қилган;

Абдулқодир Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асаридаги инсон фалсафасининг генезиси хусусидаги илмий-меросига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида 2015-2017 йилларда бажарилган «Демократик ислоҳотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари» мавзусидаги А-1-163 рақамли амалий лойиҳа ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2730-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал ва илмий салоҳиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларига ижобий таъсир кўрсатган;

“Сиррул асрор” асаридаги “хос инсон”, “асл инсон”, “ҳақиқий инсон” категорияларининг эволюцион такомилга оид илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида 2015-2017 йилларда бажарилган «Демократик ислоҳотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари» мавзусидаги А-1-163 рақамли амалий лойиҳа ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2730-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳанинг самарали бўлишига хизмат қилган;

Абдулқодир Гийлонийнинг “Футуҳ ал ғайб” асарида фаросат илмининг комил инсонни тарбиялашдаги фалсафий моҳиятига оид хулоса ва таклифларидан Жиззах вилояти “Истикбол” минтақавий тадқиқот марказидаги 46-11/50 рақамли “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзуидаги грант лойиҳасининг “Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш” деб номланган 2-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 04-06/261-01-сон маълумотномаси). Бу эса “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга хизмат қилган;

Мутасаввифнинг “Раббонийликни англаш” ва “Девони Муҳйи” асарлари таҳлили асосида инсон комиллиги мезонлари асосланганлигига оид хулосаларидан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “IX-XII асрлар адабий ёзма ёдгорликлари ва илмий адабиётшунослик асарлари” ва “XIII-XIV аср биринчи ярми адабиёти” номли экспозиция тақдимотида ҳамда музейнинг электрон каталогини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 18 ноябрдаги 5/1255-3051-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида музейга ташриф буюраётган ёшлар

маънавий дунёқарашининг шаклланишида, музей экспонатларининг янада бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 36 та илмий анжуманда, жумладан 6 та халқаро, 30 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан 1 та монография ва Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 11 та мақола (10 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адулқодир Гийлоний ва қодирия таълимоти” деб номланган биринчи бобида** тасаввуф тарихида ўчмас из қолдирган, халқ ҳаётида буюк зот сифатида ном қозонган инсонлардан бири, кўплаб шоир-у олимлар асарларида улуғ сифатлар билан ёдга олинган Абдулқодир Гийлонийнинг ҳаёт йўли ва у асослаган қодирия тариқати хусусида батафсил маълумот берилган. Гийлонийнинг тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Шайх Абдулқодир Гийлоний Расулуллоҳ (с.а.в) авлодларидан бўлиб, ҳижрий 470 (милодий 1079) йилда ҳозирги Эроннинг Гийлон кентида туғилган, ҳижрий 561(милодий 1166) йилда Бағдодда вафот этган. Шу шаҳардаги қабр-мақбараси ҳозирда гавжум зиёратгоҳ¹.

Тадқиқотда ислом дунёсининг машҳур шайхи, қодирия тариқатининг муассиси бўлган бу зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён қилинганлиги ҳақида маълумот берган. Уларнинг бир қанчаси эса баҳслидир. Бу эса буюк шайхнинг жуда машҳурлиги ҳамда, ҳаёти ва фаолияти турли даврларда, турли шахслар томонидан ҳар хил талқин этилганлигидандир. Абдулқодир Гийлонийнинг таржимаи ҳоли келтирилган кўпгина асарлар учун инглиз шарқшунос олими Олворт² махсус рўйхат тuzганлиги маълумоти берилган.

¹Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор.Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. –Тошкент: Мовароуннахр. 2005. – Б.8.

²Бу ҳақда қаранг: Ahlwardt, Verz. D. Arab. Handschr., nr. 100072-100092. Иқтибос юқоридаги асардан олинди – Б. 8.

Диссертант Алишер Навоийнинг “Насойим – ул муҳаббат”¹ асарига асосланиб, Саййид Абдулқодир Гийлонийни Гилон вилоятининг «Баштиз» деган жойида туғилганлар деб маълумот беради. Табаристон деган жойда (Эрон) Гийлон (Жилон), Гилон ёки Гил деган ном билан маълум бўлган жой бўлган. “Жил” – Дажлага яқин. Бағдоддан бир кунлик йўл экан. “Жил” дегани Мадянга яқин экан. Шу икки жойни Гили, Гийлоний ва Жилони деб айтишар экан. Кўпчилик Ҳазрат Абдулқодир Гийлонийни икки мавзегга тегишли дейдилар. Навоий “Равзат-ун наводир” китобига иқтибос қилиб ёзадики, бу хатодир. У киши бу мавзеларда қисқа муддат яшаганлар. У киши аслан Гилон вилоятидандирлар. Саййид Абдулқодир Гийлонийнинг илм олишлари бобидан турли манбалар турли хил маълумотлар беради². Шулардан кенгроқ, аниқ, батафсилроқ маълумотлар Ислом қомуси³да куйидагича берилган: Абдулқодир ўн саккиз ёшидан Бағдодга илм олишни давом эттириш учун борган. Бунга қадар илк таълимни мактабда ўн ёшга етганида олган. Бу ерда сарф ва наҳв (грамматика) дарсларини ат–Табризий (ваф. 1109)дан олади. Бир қанча шайхлардан ҳанбалия ва шофия фикҳ (ҳуқуқ) илмларини ўрганади. Ҳиббатуллоҳ ал - Муборак ва Абу Наср ал-Баннодан ҳадислар таҳсилани олади.

Гийлоний Бағдодда Низомия мадрасасида таълим олиб, 25 йилдан ортиқ вақт риёзат чекиб, етук олим даражасига эришгач мадрасада 13 та фандан сабоқ берганлиги манбаларда қайд этилган. Манба⁴да таъкидланишича 1127 йилга келиб, яъни эллик ёшдан ўтганидан кейин Гийлоний Бағдодда даъватчи сифатида шуҳрат топди. Унгача, Абдулқодир Бағдодда Юсуф Ҳамадонийга учраган. Юсуф Ҳамадоний билан суҳбатда Абдулқодирнинг сўфийлик илми у қадар юксак даражага етгани маълум бўлади. Барибир, Юсуф Ҳамадоний Абдулқодирга даъват қилиш учун минбарга чиқиш кераклигини маслаҳат беради, шунга фатво беради. Чунки, Абдулқодир Гийлоний фикҳ илми ва Қуръонни яхши ўрганган эди.

Тадқиқотда Дж.С. Тримингэм Ибн ал-Касирга таяниб келтирган ана шу маълумот тарихий ҳақиқат бўлса, Абдулқодир Гийлоний Юсуф Ҳамадоний фатвосидан йигирма беш йил ўтганидан кейин даъватчи сўфий сифатида шуҳрат топганлиги маълумоти келтирилган.

Тасаввуфшунос олим Кныш⁵нинг маълумотига кўра, мана шу йигирма беш йил мобайнида Гийлоний ўзини руҳий чиниқтириш мақсадида риёзатга берилади, нафсини синдириш учун оч-наҳор чўлда гиёҳлар билан озикланиб, ўз “мен”лигидаги кибрни ўлдириш учун машаққат чекади. Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, Абдулқодир Гийлонийнинг форс

¹Қаранг: Навоий А. Насойим – ул муҳаббат. Танланган асарлар тўплами. 17т. - Тошкент: Фафур Ғулом, 2001.- Б.374 .

²Мансуров Ш., Остонакулов И. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –Б.79-80. Ислом энциклопедияси. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б.66. Муҳаммад Сиддик Русдий Ғавсул Аъзам. Таржимон Остонакулов И. - Тошкент: Камалак, 1996 .

³“Ислом қомуси”дан саҳифалар // Сирли олам №12 . 1991. –Б. 27.

⁴Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского. О.Ф.Акимовкина - Москва: Гелиос, 2002.С. 67.

⁵Кныш А.Д.. Мусульманский мистицизм.Москва, Наука, 1992. – С. .207.

илоҳиётчиси, мутасаввиф сифатида талқин қилинишига, унинг ўзи яшаган даврда қодирия тариқати асосчиси сифатида эмас, балки 13 фандан сабоқ берувчи мударрис сифатида танилганлиги сабаб бўлганлигини диссертант таъкидлайди. Бу ҳақда қуйидагича маълумот берилган: “Ўз даврининг улуғ олимларидан таҳсил кўриб, ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради. Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ўз мадрасаларида ўн уч қисм илмга дарс айтур эрдилар. Чунончи, илми тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ...”¹

Гийлоний мақбараси Бағдодда бўлиб, исломдаги муқаддас жойлардан бири ҳисобланади. Бу шайхнинг келажак авлод учун ибрат олса арзигулик ишлари кўп ва хўбдир.

Диссертациянинг мазкур бобида Гийлонийдан қолган бой маънавий мерос таҳлили келтирилган бўлиб, илмий жамоатчиликка маълум бўлган Абдулқодир Гийлонийнинг қуйидаги асарлари ҳақида маълумот берилган:

1. “Ал-Ғунятун ли толиби тариқил ҳақ”² (“Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукамал манба”). Ушбу манбада инсонни камолотга етакловчи 10 хислат талқини берилган бўлиб, унда комилликнинг асосида бағрикенглик, қалб поклиги, кечиримлилик, камтарлик, тавозеъ каби фазилатлар Қуръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар орқали очиб берилган. Шунингдек гўзал ахлоқ ва гўзал табиатлилик хусусида алоҳида тўхталган.

2. “Тухфатул қодирия”³. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, ёзилиш санаси 1321 милодий йил, кўчирилиши санаси 1856 йил эканлигини аниқладик. Ушбу асар унвон варағида “Қасидаи Ғавсия” номи билан битилган бўлиб, унинг қолган қисмида 90 та манқабат, 1 та Курсийнома ва Исми Аъзам баёни берилган.

3. “Қасидаи Ғавсия”⁴. Қасида жанри илк маротаба араб адабиётида қўлланган ва кейинчалик форс ва туркий адабиётларига кириб келган. Қасида сўзининг луғавий маъноси қасд қилмоқ бўлиб, ёзишга қасд қилмоқ маъносини англатади. Унинг қофияланиш шакли маснавийникига ўхшаш бўлиб, 19 байтдан 45 байтгача ҳажмда ёзилган. Туркий тилда ёзилган илк қасида XI асрда Юсуф Хос Хожибнинг “Баҳор мадҳи” қасидасидир. Қасидалар икки хил кўринишда бўлиб, биринчи хили бировга аталган, ёки

¹Мухаммад Сиддик Рушдий. Авлиёлар султони. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Остонақул ўғли Окқўргоний. - Т.: Камалак 1995. – Б. 7.

²Ушбу асар араб тилидан С.Сайфуллоҳ томонидан таржима қилинган бўлиб, 2005 йилда нашрдан чиққан “Сиррул асрор” китобига киритилган. Қаранг: Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 220. Яна қаранг: ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Ғунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” асарининг қўлёзма нусхаси 6038 рақами остида сақланмоқда.

³Ушбу асар таркибидаги “Қасидаи ғавсия”ни форс тилидан таржимасини амалга оширдик. Қаранг: // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2004. №1. Асарнинг қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ҳузуридаги Шарқшунослик институти Бухоро филиали хазинасида №27775/11 рақами остида сақланмоқда.

⁴Ушбу асарнинг биз таржима қилган варианты “Тухфатул қодирия”нинг таркибида бўлиб, унинг яна 4 нусхаси ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Қасидаи Жилоний” ва “Қасидаи Ғавсия” номлари билан мавжуд. Улар №10650, №11342, №6491, №504 рақамлари остида сақланмоқда.

бирор бир тарихий воқеанинг васфи берилса, иккинчи хили қасидаи ҳолия бўлиб, унда асар муаллифи ўзининг хислатлари, аҳволи баён этилади.

"Қасидаи Ғавсия" бир қисми сулс ёзувида, асарнинг қолган қисми настаълик ёзувида битилган. Абдулқодир Гийлоний "Қасидаи Ғавсия"да ўзи ва кароматлари, шунингдек Ҳақ таоло назаридаги мавқеи хусусида маълумотлар берган. Демак, ушбу асар қасидаи ҳолиядир. Асар араб тилида битилган бўлиб, ҳар бир мисра остида форсий тилда изоҳи битилган. Ҳажман 26 байт, 52 мисра бўлиб, қасиданинг мақтаъсида шоир номи зикр этилган.

4. "Девоне Ғавсул Аъзам"¹. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, у Мулла Мир Алим Хожа исмли котиб томонидан кўчирилган. Юзида мавжуд манбада кўчирилиш санаси 1324х.й.х. (1906 йил м.й.х.) деб кўрсатилган. Асарнинг ёзилиш санаси эса ноаниқ. Асар форс тилида Муҳйи тахаллуси билан битилган ғазаллардан таркиб топган². Унда билиш фалсафаси, борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари, тасаввуф таълимотида қадриятлардан саналган тавба, огоҳлик ғафлат ва унинг зарари, илму-ирфонга бўлган интилиш ва ҳоказо ғоялар очиқ баён этилган. Ғазалларнинг мавзуи орифона, ошиқона бўлиб, унда қиёмат, савоб, гуноҳ, жаннат, дўзах каби тушунчалар изоҳи истиора ва ўхшатишлар орқали ифодаланган. Асар охирида қодирия тариқа-тининг машҳур маросимларидан бири "Хатми ёздаҳум"³нинг қондаси берилган.

5. "Сиррул-асрор фима йахтажу илайхил-аброр"⁴ ("Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири"). Асарда инсон ҳаётида вужуд поклиги билан бирга қалб поклиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Мусулмонлар учун фарз бўлган Ҳаж зиёрати бандани гуноҳларидан покланишига сабаб бўлса, унинг қалби учун муҳим бўлган шарт сифатида тариқатдаги Ҳаж баёни хусусида қимматли фикрлар билдирилган. Мазкур асар муқаддима ва 24 фаслдан иборат бўлиб, тасаввуф ва ҳаёт, унга амал қилиш ва бу йўлга мансуб кишининг руҳонияти, аҳамият бериши керак бўлган жиҳатларга тўхталган. Асар яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда фалсафанинг асосий категорияси борлиқ, инсон борлиғи, билиш фалсафаси, илмлар ва уларнинг таснифи батафсил баён этилган. Унда жуда кўплаб оят ва ҳадислар келтирилган.

6. "Мактуботи Гийлоний"⁵ Ушбу асар "Сиррул асрор"нинг мантиқий давомидир. Гийлонийнинг «Мактуботи Гийлоний» асари мактублардан иборат бўлиб, у бобларга, боблар фаслларга, фасллар эса нақлларга бўлинади.

¹Ушбу асар тошбосма нусхада бўлиб, уни биз илк маротаба топиб, тўла таржима этдик ва унинг бир қисми ҳақида "Имом ал-Бухорий сабоқлари" журналининг 2004 йил 3-сонида маълумот бердик. Асарнинг ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида "Девони Муҳйи" номи билан 11 нусхаси мавжуд. Улар қуйидаги рақамлар остида сақланмоқда: №7321, №3337, №7015, №3876, №3393, №1049, №7498, №682, №676, №5646, №919, №1044.

²Ушбу асарнинг таржимасини амалга оширдик. Қаранг: Ғазалиёт. Саййид Абдулқодир Гийлоний. Таржимон Г. Юнусова. Тошкент, Мумтоз сўз нашриёти, 2018 йил.

³Ўн биринчи хатм – яъни ҳар ойнинг ўн биринчи кунидан то йигирма биринчи кунигача ўтказиладиган маросим. (Изоҳ Ю.Г.)

⁴Қаранг: Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 224 – б.

⁵Ушбу асарнинг форс тилидан таржимаси филолог олим Жўрабоев О.томонидан амалга оширилган ва бу ҳақда "Имом ал-Бухорий сабоқлари" журналининг 2002 йил 4-сонида маълумот берилган. 2005 йил "Мовароуннаҳр" нашриётидан нашрдан чиқди. ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги

«Мактуботи Гийлоний» асари ханузгача кимга аталгани ҳақида маълумот йўқ. Фақат айрим маълумотларга кўра Аҳмад Рифобийга ёзилганлиги тахмин этилади. Лекин бу асардаги исталган бир мактубни ўқиган киши уни бир кишига эмас, балки бутун инсониятга қарата ёзилган бўлиб, яъни шу инсониятни яхшиликка, эзгуликка даъват этаётганини илғаш мушкул эмас.

7. “Ҳизб-ул-фаҳр-ил-кабир-бил-Жилани” (Жилонийнинг фахрли буюк ҳизби) Шарқшунослик институти араб қўлёзмалари фондида (Москвадаги ФА бўлимида) шу номли асар мавжуд бўлиб, у №3523 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида маълумот берилган.¹

8. “Авроди Шайхи Абдулқодири Жилоний”² Ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ўз муридларига илоҳий фойзаларни қабул қилиш йўллари ўз авродлари орқали очиб берганлар.

Абдулқодир Гийлоний «Аврод»и кодирия тариқатига кирган солиқ юксак манзилга - Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Тангрининг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари тиловати, салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир.

Ғавсул Аъзамнинг “Авродус Султониш Шайхи Абдулқодир Жилоний”³ асари таркибига Қуръоннинг айрим суралари, Ҳадиси Шарифдан намуналар, мусулмон аҳли орасида ўтказиладиган айрим маросимлар (Хатми шариф маросими, Ашуро маросими ва ҳ.к.) билан бир қаторда “Қасидаи Ғавсийа”, “Асмой ёздаҳи Ғавсул Аъзами Дастгир раҳматуллоҳи алайҳ”, “Асмой Киромӣ” асарлари киритилган. Тўпламдаги асарлардан парчалар араб, форс, урду тилларида ёзилган бўлиб, унинг муаллифи, босмаҳонаси ёки кўчирган котиб исми, кўчирилган санаси аниқ кўрсатилмаган”⁴.

Абдулқодир Гийлонийнинг “Аврод”идаги ғоялар ҳам инсонни нафсини бошқаришга ёрдам берувчи омиллардан бири сифатида талқин этилган.

Тадқиқотчи диссертациянинг мазкур бўлимида янги манба асосида араб тилидаги “Аврод”нинг ўзбекча маънолари таржимасини берган:

1. Робби инни мағлубун фантасир⁵. Таржимаси: Парвардигоро дарҳақиқат мен мағлубман (менга) ёрдам бергайсан. Бу ўринда Шайх Абдулқодир Жилоний Аллоҳга мурожаат қилиб, ўзининг Яратган олдида ожиз

Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Мактуботи Гийлоний” асарининг 2 нусхаси мавжуд. Улар №10772, № 2093 рақамлар остида сақланмоқда.

¹Арабские рукописи института востоковедения. -Ч.1. Краткий каталог / Под ред.А.Б.Халидова.- М.:Наука,1986.-С.176.

²Ушбу асарнинг матни “Аврод ва вазоиф” тошбосма асаридан олинган. Бу асар нусхаси Бухоро шаҳридаги “Пири Дастгир” масжиди имоми Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Асарни биз имкон даражасида араб тилидан таржима қилдик. ЎзР ФА ҳузуридагиАбу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ”Авроди Шайх Абдулқодир Жилоний” 4 нусхадасақланган. Бу асар нусхаси Санкт-Петербургда ҳам мавжудлигини Холидов Б.ёзган. Унда берилган маълумотга кўра №3445 рақами остида сақланаётган асарнинг тўлиқ номи “Ал аврод-ул усбуъийа- Абдалқадир Гиланий ” “Абдулқодир Гийлонийнинг ҳафталик вирдлари” сифатида берилган.

³Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасидан. “Аврод ва Вазоиф” тошбосма асар.

⁴Қаранг: Авроди Қуръоний. Ҳафта давомида ўқиладиган Қуръоний зикр-дуолар. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ханафий. Тошкент: Мовароуннаҳр. 2005. –Б. 79 .

⁵Аврод ва вазоиф. Тошбосма асар. (Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасидан).

эканлиги, ҳамиша Худо ҳар қайси банда устидан, жумладан буюк кароматгўй Ғавсул Аъзамдан ҳам ғолиб эканлиги тан олинган ва таваккул қилишга чақирилган.

2. Важбур қалбиял мункасир¹. Таржимаси: Қалбимни мажбурлаб синик қил. ”Қалбни синдириш” дегани - бу қалбни мулойим қил, раҳмли ва меҳрли бўлишига мадад бер деб илтижо қилинган. Яъни қалби қаттиқлик - бу кибрнинг бир кўриниши бўлиб, унга берилган инсонлар Роббисидан юз ўгиради. Ҳамма нарсага фақат ўзинигина қодир деб билади, бу эса инсонни жуда ожизу нотавон қилиб қўяди.

3. Важмаъ шамлиял мундасира². Таржимаси: Тарқоқ шакли шамойилимни жам қил. Тарқоқ шаклу шамойил - бу инсоннинг куч-қуввати, энергиясини кераксиз, ўринсиз ишлатилишига, фикрни ҳар турли кераксиз жойларга сарф қилиш деганидир. Шу ўринда айтиш жоизки, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбатул – ҳаёт” асарида бу борада яхши, ибратомуз ўғит берилган. ”Ҳою-ҳавасларга эргашиб, нафс васвасаларига бўйсуниб, шариятга хилоф амалларни бажариш учун баданини таомлантирган инсон от ва туяга ем-хашак бериб, уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиладиган қароқчи ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қиличини қайраган кишига ўхшайди.

4. Иннака антар роҳманул муқтадиру³. Таржимаси: Дарҳақиқат сен(барча нарсага) қодир раҳмонсан. Аллоҳнинг сифатлари «Раҳим» ва “Раҳмон” эрур. Раҳим - бу фоний дунёда эътиқодли, иймонли мусулмонлар учун бағишланган сифат бўлса, Раҳмон - қиёмат куни мўмину мусулмонлар қаторида кофирларга ҳам, бошқа динга эътиқод қилувчиларга ҳам раҳм қилиниши кўрсатилган сифатдир.

5. Икфини я кафиюн ҳувал ʼабдул муфтақир⁴. Таржимаси: Эй кофий бу фақир банданга ўзинг кифоя қил.

Бу ўринда айтиш жоизки, кофий - кифоя қилувчи маъносида келиб, банда ҳамиша Яратган васлига интилиш, унинг фикру хаёли билан кифояланиши лозимлиги ҳақида сўралган. Маълумки, инсонни ҳамиша икки куч: Раҳмон ва шайтон ўзига оғдирмоқчи бўлади. Қайси банда Раҳмонга эргашса, у хайрли ишларга, эзгу амалларга интилади.

6. Ва кафа биллаҳи валиян, ва кафа биллаҳи насиран⁵. Таржимаси: Аллоҳни дўст деб кифоялан ва Аллоҳни ёрдамчи деб кифоялан. Менинг кифояланишимга фақат ўзинг кифоя бўл, яъни бошқа ўткинчи дунёвий ҳою-ҳавасларга чалғишимга йўл қўйма.

7. Инна шширка лазулмун ʼазиймун ва Аллоху юриду зулман лильбадиҳи⁶. Таржимаси: Дарҳақиқат ширк буюк зулмдир, Аллоҳ бандаларига зулмни хоҳламайди. Аллоҳ таоло назарида икки хил гуноҳ мавжуд бўлиб, булар гуноҳи кабира ва гуноҳи сағирадир. Гуноҳи сағира Аллоҳ томонидан кечирилади, лекин гуноҳи кабира кечирилмайди. Гуноҳи кабира -

¹Ўша жойда.

²Ўша жойда.

³Аврод ва вазоиф. Тошбосма асар. (Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасидан).

⁴Ўша жойда.

⁵Аврод ва вазоиф. Тошбосма асар. (Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасидан).

⁶Қаранг ўша жойда.

бу Аллоҳга ширк келтиришдир. “Калимаи радди куфр”да “Аллоҳим мени кечиргин, сенга бошқа бировни шерик қилишга йўл қўйма” деган калиманиг қайтарилиши ҳам ширкдан сақлайди.

8. Фақутиъа дабирул қавмил лазийна заламу валҳамдулиллаҳи роббил аълабийн¹. Зулм қилган қавмнинг ўзаги узилди (пайи қирқилди) ва (барча) оламларнинг парвардигори (бўлган) Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Зулм қилган Фиръавн ва унинг тарафдорлари Мусо ва унинг қавмига кўрсатган жабру-зулми туфайли Аллоҳ томонидан муносиб жазоланди. Зулм қилган қавмнинг ўзаги сифатида Фиръавннинг қавмига ишора бор десак ўринли бўлади. Аллоҳ бутун оламлар парвардигори эрур ва ҳамду сано ҳам унга лойиқдир.

Демак, барча пири комилларда бўлгани каби Гийлонийнинг ўзига хос дуолари, яъни вирдлари (жами 8 та қисмдан иборат) инсоннинг қалби, руҳияти ва нафсини меъёрда бўлишига хизмат қилган. Зеро, барча авлиёи киромларда махсус авродлари бўлган² деган хулосаларни беради диссертант.

9. ”Фатхур-раббоний вал файзур-рахмоний” Бу асар таржимаси “Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш”³ номи билан нашрдан чиқди. Асар икки китобдан 68 мажлисдан иборатдир. Унинг биринчи китоби 34 мажлисдан иборат бўлиб, унда Абдулқодир Гийлонийнинг ваъзлари жамланган. Асарда илгари сурилган қалб поклиги, нафс ва унга қарши курашиш, илм ва амал, савоб ва гуноҳ, тавба ва покланиш, маърифат ва гўзал ахлоқ каби ғоялар бевосита ислом динининг асосий манбалари Қуръони карим ва Ҳадис асосида таҳлил этилган.

Тадқиқотчи ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абдулқодир Гийлонийнинг яна бир неча асарлари қўлёзмаси мавжудлиги маълумотини бериб, улар тадқиқ этилиши лозим бўлган қимматбаҳо манбалардир дея таъкидлайди. Булар қуйидагилар:

1. “Дуруде кабир” №8706 бир нусха;
2. “Ғазалиёте Мухйи” №964 бир нусха;
3. “Рисолайе Ғавсийа” №502, №4642 икки нусха;
4. “Ғазалиёте дуоийа” №1039 бир нусха;
5. “Фатхул Ғайб” №2632 бир нусха;
6. “Ал қасидат-ул уммия” №8905 бир нусха;
7. “Муножоти Ғавсул Аъзам” №9459 бир нусха.

Абдулқодир Гийлонийнинг диний ваъз ва хутбалари ҳам мавжуд эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Булар қуйидагилар:

1. “Ал Фатх Ар-раббония” – 1150-1152 йилларда айтилган 62 ваъз ва бир иловадан иборат;

¹Ўша жойда.

²Бу ҳақда қаранг: Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Накшбанд. Аврод. Бухоро нашриёти, 2001 й.

³“Фатхур раббоний вал файзи раҳмоний” (аслиятда) асарининг таржимаси. Таржимонлар: Муҳаммадҷон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоқи Азим ва масъул муҳаррир имом хатиб Тўлқин Ийсо, “Мовароуннаҳр” нашриёти 2005 й.

2. **“Футух ал-ғайб”** – Абдулқодир Гийлонийнинг ўғли Абдураззоқ таълиф этган 78 ваъз тўплами;

3. **“Ҳизби башоир ал-Ҳайрат** (Искандария, 1304);

4. **“Калоул Хатир”** (“Кашф аз-Зуннун” да) зикр этилган;

5. **“Ал-Мавоҳиб ар-Раҳмония ва-л-футух ар-Раббония фи маротибу-л-ахлоқ ас-сония ва-л-мақомоту-л-ирфония”** (“Равзату-л-Жаннат” да) зикр этилган;

6. **“Йавоқиту-л-ҳикам”** (“Ҳикмат ёқутлари”);

7. **“Аз фийузат ар-Раббония фи-л-Аврод қодирия** (Вирд дуолар тўплами, Қоҳира, 1303);

8. **“Милфузати Қодирий”** (Абдулқодир лафзлари)¹;

Кейинги бобларда ушбу асарлар таҳлил қилинган, ушбу асарлардаги ғоялар асосида илмий тадқиқот мавзуининг моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг биринчи боб иккинчи бўлимида “Қодирия - тасаввуфий таълимот”и хусусида маълумоти берилган. Ислом оламида кенг тарқалган тариқатлардан бири қодирия бўлиб, унинг асосчиси ва пири Абдулқодир Гийлонийдир. Тасаввуфшунос Усмон Турарнинг маълумот² беришига кўра, зоҳидлиги ва илми билан танилган улуғ шахслар ўз атрофларида суҳбат ҳалқалари ташкил қилганлар, уларнинг суҳбатларида иштирок этганлар шахсий ҳаётларида уларнинг тавсияларига амал қила бошлаганлар. Фикхий ва эътиқодий мазҳабларда бўлганидек, бу зотларнинг тариқат ташкил қилиш ниятлари бўлмаса ҳам, уларнинг атрофларида ўз-ўзидан табиий равишда тариқатлар юзага келган.

Фақат XIII аср охири – XIV аср бошларига келиб, Ироқ ва Сурияда қодириянинг махсус марказлари вужудга келган эди. Ироқнинг Бағдод шаҳридаги Абдулқодир қабри устига қурилган масжид атрофида маҳаллий бағдодий тоифа сақланиб қолган эди. Мўғул босқинчилари, аниқроғи, Чингизхоннинг невараси - Ҳулогухон аскарлари Абдулқодир мақбарасини вайрон қилди. 1326 йили Бағдодга келган араб сайёҳи Ибн Батута бу қабр ва мақбара ҳақида ҳеч қандай маълумот берган эмас. Усмонлилар ҳукумати бу ерни муқаддас жойга айлантормагунича у обод бўлмади.

Қодирия ҳақида шуни айтиш керакки, гарчи Абдулқодир Гийлоний тасаввуф тарихида энг машҳур авлиё, Аллоҳга ўта яқин пир сифатида хаддан ташқари кўкларга кўтариб мақталган, у ҳақда, унинг кароматлари-ю мақомотлари хусусида кўп афсона-ю ривоятлар тўқилган ва китоблар битилган бўлса-да, бу тариқат, Ж.С.Тримингэмнинг фикрича, ўта оммалашиб кетган эмас. Шунга қарамай, XVасрда Дамашқда довудия ўзини қодирия тариқатининг давоми ҳисоблаб чиққан дея таъкидлайли диссертант.

Инглиз олими Тримингэм ушбу тариқатнинг бошқа тариқатлар сингари ўта оммалашмаганлигини айтмоқчи бўлган. Лекин, мавжуд бўлган туркча манбадаги маълумотлар асосида тадқиқотчи бу тариқатнинг кенг

¹Маҳкам Андижоний. Ислом қомусидан саҳифалар // Сирли олам, 1991. № 12 . - Б-27-28.

²Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиклол, 1999. –Б. 61.

тарқалганлигидан далолат беради, - дея маълумот беради. Унда қодирия тариқатининг қонун-қоидалари ишлаб чиқилган.

Қодирия тариқати йўлини тариқатлар таснифига кирган тариқи ахёр (хайрлилар йўли), тариқи аброр (қалби софларнинг йўли) ва тариқи шуттор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли)га махсус киритиб бўлмайди. Чунки бу йўлни қалби софларнинг йўли дейиш мумкин, чунки бу тариқатда риёзат ва мушоҳада йўли билан ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Лекин бу йўлда ҳам «ўлмасдан олдин ўлмоқ» мавжуд бўлиб, яъни инсон ўлимни ўз иродаси билан қабул этган. Абдулқодир Гийлоний ханбалия мазҳабига мансуб бўлганлиги боис мўътадил нуқтаи назарда турган, танқидга учрайдиган сўзлар айтмасликка ҳаракат қилган.

Тариқатларни ҳақ ва ботил деб иккига ажратадилар. Қодирия тариқати исломнинг бош асосларига таянган ҳолда ташкил этилган ва шаклланиган учун ҳақ деб тан олинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Қодирия таълимотининг Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари билан алоқадорлиги” деб номланган. Бу бобда тасаввуфнинг қодирия, хожагон, нақшбандия, кубравия таълимотларининг ўзаро умумий ва ўзига хослик жиҳатлари таҳлил этилган.

Тасаввуф таълимотида унинг тариқатлари ва уларнинг йўналишлари, умумийлиги ва тафовутлари тўғрисидаги масала асосий ўринлардан бирини ташкил этади. Тариқатлар фаолиятида шариат талаблари бирдек тан олинishi билан бирга эътиқод ва диний амалиётнинг баъзи хусусиятларига алоҳида эътибор берилиши билан фарқ қилади. Тасаввуф илмига бағишланган тадқиқотларда асосий тариқатлар тавсифи берилган.

Абдулқодир Гийлоний ва Баҳоуддин Нақшбанд бир даврда яшамаган бўлсаларда, уларнинг бир-бирига бўлган муносабат увайсий таълим сифатида берилган, яъни Гийлоний руҳониятларидан Баҳоуддин Нақшбанд камолот сари йўл топганлар;

Ҳар иккала таълимотнинг бунёдкорлик ғоялари бугунги кун миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари бўлмиш комил инсон, юрт тинчлиги, ватан равнақи йўлида хизмат қиладиган илғор ғоялардир;

Касб-корга бўлган муносабат, инсон камолотида илм афзаллиги ва бу йўлда “Машғуллик ила фориғлик”нинг мантикий давоми сифатида “Дил ба Ёру даст ба кор” шиорлари ушбу таълимотларнинг муҳим ва ҳаётбахш ғоялардир.

Қодирия тариқатидаги ботин тарбияси, қалб тавсияси, нафс ва рух камолоти, устоз-шоғирд муносабатларини ҳозирги кунгача руҳан комил, устувор, матонатли, меҳнатсевар, эзгу ишлар учун фидойий шахсни тарбиялаш жараёнида қўллаш яхши натижа беради, - деб таъкидлайди тадқиқотчи.

Қодирия тариқати кўп мамлакатларда тарқалган. Ҳиндистонда қодирия тариқати Муҳаммад Ғавсининг (в.1517) саъй-ҳаракати билан юзага келди. Муҳаммад Ғавс ўзини силсилада Абдулқодир Гийлонийга боғлади. 1550 йилга яқин бу тариқат Тожиддин ал-Бохарий ал Бағдодий тарафидан Ҳижозга-Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларини ҳам ўз ичига олган ўлкасига етиб боради.

Ўрта Осиё тарихида из қолдирган буюк шахслардан бири Нажмиддин Кубродир. Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро 1145 йилда туғилиб, 1221 йилда вафот этган. Нажмиддин Куброни Алишер Навоий ҳазратлари "Шайх Кубро" (улуғларнинг улуғи, энг катта демақдир) деб таърифлаган ва шундай деб ёзган: "Аларға Кубро ондин лақаб бўлдики... хар ким билаким мунозара ва мубоҳаса эрмиш, ул кишиға ғолиб бўлурлар эрмиш". Унинг иккинчи муборак исми "Шайхи валийтарош" бўлган ва шу номи билан Ўрта Осиё ва Эронда машҳур бўлган.

